



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 17 декабрь, № 260 (7490)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади мақтабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар** — ногиронлиги бўлганидан ёки бўлмағанидан қатъи назар, оила, педагоглар, мутахассислар, жамият ва давлатнинг алоҳида эҳтиборига муҳтож бўлган индивидуал эҳтиёжларга эга болалар;

давлат мақтабгача таълим ташкилоти — давлат томонидан молиялаштирилган ва бошқариладиган ҳамда мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига мувофиқ мақтабгача таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи ташкилот;

инклюзив таълим ва тарбия — болаларнинг алоҳида таълим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳамда индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятларни таъминлайдиган жараён;

мақтабгача бўлган ёш — болаларнинг туғилган пайтдан етти ёшгача, то уларга умумий ўрта таълим ташкилотида таълим бериш бошланган пайтга қадар бўлган ёши;

мақтабгача таълим ва тарбия — болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуқсиз таълим тури;

мақтабгача таълим ва тарбия давлат стандарти — таълим-тарбия жараёнининг ҳажмига, мазмунига ва сифатига, мақтабгача таълим ташкилотини қуриш ва жиҳозлашга, шунингдек мақтабгача ёшдаги болаларнинг соғлом овқатланишини ва хавфсизлигини ташкил этишга доир мажбурий талаблар жамғирмаси;

(Давоми 3, 4, 5-бетларда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, БУ БОРАДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Маълумки, мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг бош мезони бўлиб келмоқда. Ўртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан беvosита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш гоят муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Мамлакатимизда жадал сурьатлар билан олиб борилаётган ўзгариш ва янгиликлар негизда, авваламбор, Конституцияимизда белгиланган давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги қоидалар амалда татбиқ этишдек эзу мақсад муҳасам экани ҳам айнан шунини таъқозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республика-

сини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун қўлаб янги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни вақтда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш қонун бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши самарали курашни ҳамда бундай ҳолатнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантиришни талаб этмоқда.

Қонунийликни мустақкамлашда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш гоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳар бир шахсда қонунларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришни кун тартибига энг асосий масала қилиб қўймоқда.

Шу билан бирга, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамиятчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш, оммавий

ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳар қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмаслик ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситалари иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 5-бетда.)

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

Токио шаҳрида 16 декабрь кuni Ўзбекистон — Япония бизнес форуми бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Япония ташқи савдо ташкилоти — JETRO ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда икки мамлакат ташқи савдо, сармоа, автомобилсозлик, геология, энергетика, нефть-кимё, қурилиш, коммунал хўжалик, тўқимачилик, чарм-пойабзал, сайёҳлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов, Япония Бош вазири Ўринбосари, молия вазири Таро Асо ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тизимини, кўп қиррали тус олганини таъкидлади.

Бугунги кунда Япониянинг етакчи компаниялари Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириб, ички бозорга кириб келмоқда. Бу кунчиқор юрт саноатида ушбу ишбилармонларнинг мамлакатимиз иқтисодий имкониятлари ва унинг келажагига қизиқиши ортаётганидан далолатдир.



ЯПОНИЯ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗИ

Икки томонлама муносабатлар ривожига хизмат қилади



Ҳоким, йўлдошлар билан суҳбат.

Ўртимиз Япония билан сиёсий, иқтисодий, маданий, техник ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. Сунгги йилларда фан-таълим ва илмий-инновацион йўналишларда ҳам муносабатлар ривожланиб борапти. Утган вақт ичида Тошкент давлат юридик университетида Япон ҳуқуқини тадқиқ этиш маркази, Тошкент давлат техника университети қошида Ўзбекистон — Япония ёшлари инновацион маркази, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўқув медиа маркази, Тошкент давлат шарқшунос-

лик институтини японунолик факультети очилгани, Ўзбекистон ва Япония ректорлари конференцияси механизми йўлга қўйилгани бунинг яққол далилидир.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Япониянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан талабалар алмашуви дастурлари муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Кунчиқор юртдан келган танкил мутахассислар талабаларга япон тилидан сабоқ бермоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 14 декабрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис кун тартиби тасдиқланган сенаторлар ишчи "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси"га ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилишдан бошладилар.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини янги таҳрирда қабул қилиш назарда тутилган. Таъкидланганидек, кодекс Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармонини самарали ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонун иқтисодиётга тушадиган солиқ юкнини камайтиришга, солиқ солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқлар тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида солиқ юки даражасидаги тафовутларни бартараф этишга қаратилган. Солиқларни унификациялаш, ўхшаш солиқ солиш

базасига эга солиқларни бирлаштириш орқали улар сонини мақбуллаштириш, ҳисоботларни камайтириш ва соддалаштириш, операция харажатларини камайтириш назарда тутилмоқда.

Қонун макроиқтисодий вазият, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантириш барқарорлигини таъминлашга, солиқ қонунчилигини соддалаштиришга, солиқ муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар ва тафовутларни бартараф этишга, виждонли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган.

Солиқ кодексида киритилган ўзгаришларга кўра, келгуси йилдан солиқ турлари 13 тадан 9 тагача қисқартирилмоқда. Хусусан, ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинмоқда.

Солиқ назорати ўтказишининг янги тартиби жорий этилмоқда, у солиқ органларида камерал, жойига чиққан ҳолда текшириш ва солиқ аудитини ваколатли орган билан келишилмасдан таҳлика-таҳлил дастури асосида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

(Давоми 6-бетда.)

Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

ЖАҲОН БРЕНДИ ДАРАЖАСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН МАЖМУА

Бундай йирик ва замонавий лойиҳа Бухорода ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Мамлакатимиздаги биринчи пахта-тўқимачилик кластери ҳисобланган "Bukhara Cotton Textile" корхонасида ишлаб чиқариш занжирининг сўнгги ҳалқаси ҳам яратилди.

Таркибиде бешта фабрикани бирлаштирган пахта толасини чуқур қайта ишлаш мажмуаси барпо этилди.

Айтишларича, бу ердаги собиқ ип йиғирув фабрикаси биносини қуришга 5 йил вақт сарфланган экан.

Унинг 10 гектар майдонини эгаллаган мазкур замонавий қувватларни қуриш ва жиҳозлаш учун атиги 1,5 йил вақт кетди холос. Бу муддатда битта эски бино тубдан қайта реконструкция қилиниши баробарида, яна 12 янги ишоот тикланди. Натижада 20 йилдан буён кўримсиз бўлиб қолган ҳудуднинг қиёфаси буткул ўзгариб, саноатимизда янги саҳифа очилиши кутилмоқда.

8-саҳифага қаранг.



САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг "Янги, қудратли, очик ва рақобатбардош Ўзбекистон" ҳамда "Адолат" социал-демократик партиясининг "Одил суд билан адолатли жамият қуриш мумкин" сарлавҳали материаллари эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

БИЗ ва ЖАҲОН

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг якуний ҳужжати БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

2019 йил 29 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви ўтказилиб, унинг якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда минтақа мамлакатлари Маслаҳат саммитларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби маъқулланди.

Қўшма баёнот матни БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Тошкент шаҳрида ўтказилган Маслаҳат учрашувида доир ахборот ташкилотининг олти расмий тили — инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида чоп этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш механизмига оид ташаббус билан чиққан эди. Мазкур ташаббус минтақанинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов ва Козогистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев минтақада хавфсизликни мустақкамлаш, давлатлар ўртасидаги савдо тўсиқларини олиб ташлаш, инфратузилмани модернизациялаш ва транс-

чегаравий имкониятларни кенгайтиришга йўналтирилган йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама қилди. Марказий Осиё барқарорлик ва изчил тараққиёт, яхши кўшнчилик, хавфсизлик ва фаровонлик минтақаси бўлиши кераклиги юзасидан умумий манфаатдорлик ифодаланди.

Беш мамлакат раҳбарлари халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашди. Маслаҳат учрашувида бугун минтақамизда томънодаги янги сиёсий муҳит шаклланиши, ўзаро ишонч даражаси сезиларли ошгани ҳамда ҳамкорлик ва гуманитар алоқалар фаоллашгани қайд этилди. Марказий Осиё — дунёнинг асрлар давомида қардош халқлар тинч-тотув ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётган кам сонли минтақаларидан бириндир. Шу нуқтаи назардан, давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви форматидаги ҳар йили ўтказиладиган саммитлари ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва уни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Навбатдаги учрашув 2020 йил Қирғизистонда ўтказилади.

«Дунё» АА.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида

(**Давоми. Бошланиш 1, 3-бетларда**).

Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ходимларини ўқитишни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга;

Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлигининг, вилоятлар мақтабгача таълим бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар Мақтабгача таълим бош бошқармасининг, туман (шаҳар) мақтабгача таълим бўлимларининг ҳамда давлат мақтабгача таълим ташкилотларининг биноларини жиҳозлаш ва таъмирлашга; таълим-тарбия жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлигининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирларга сарфланади.

Мақтабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун ҳам сарфланиши мумкин.

27-модда. Мақтабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими

Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ахборотни йиғиш, сақлаш, излашни, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш имконини берувчи Мақтабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими яратилишини ҳамда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Мақтабгача таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотлари Мақтабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиш барча мақтабгача таълим ташкилотлари учун мажбурийдир.

Мақтабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари Мақтабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Мақтабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиладиган маълумотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

5-боб. Мақтабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш

28-модда. Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти

Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти барча мақтабгача таълим ташкилотлари учун мажбурийдир.

Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти камида беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини, мақтабгача ёшдаги болаларга мақтабгача таълим ва тарбия бериш соҳасидаги ўқув-усlubий қўлланмаларни, услубий тавсияларни ишлаб чиқишда, шунингдек мақтабгача таълим ташкилотларини лойиҳалаштиришда, қуришда, жиҳозлашда ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда ҳисобга олиниши шарт.

29-модда. Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури

Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури болани тўлақонли ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган таълим-тарбия жараёни ташкил этилишини таъминлайди.

Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури: боланинг билим жиҳатидан ва интеллектуал ривожланишини;

боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорликни; болаларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари билан таништиришни;

боланинг ижтимоий мослашувини; алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар билан педагогик-тузатиш (коррекциялаш) ва тиббий-психологик ишлар амалга оширилишини;

болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашни таъминлаши керак.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишидаги нуқсонларини тузатишга (коррекциялашга) ҳамда реабилитация қилишга муҳтож бўлган болаларнинг мақтабгача таълим ва тарбия олиши мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури асосида ишлаб чиқилган яқка тартибдаги режалар бўйича амалга оширилади.

30-модда. Таълим бериш тили

Мақтабгача таълим ташкилотларида таълим бериш тили «Давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

31-модда. Мақтабгача таълим ташкилотларининг иш режими

Мақтабгача таълим ташкилотларида ўқув йили жорий йилнинг 2 сентябридан кейинги йилнинг 31 майигача бўлган даврини, ёзги соғломлаштириш даври жорий йилнинг 1 июнидан 31 августигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Мақтабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар уларда болаларнинг бўлиши давомийлигига қараб:

болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳлар (кунига 3–4 соат); тўлиқ кунли гуруҳлар (кунига 9, 10,5 ва 12 соат); болалар кечяо кундуз бўладиган гуруҳлар бўлиши мумкин.

Мақтабгача таълим ташкилотларининг:

болалар 3–4 соат бўладиган гуруҳларида – кундузги уйку ташкил этилмайди ва бир марталик овқатлантириш ташкил этилиши мумкин;

болалар 9–10,5 соат бўладиган гуруҳларида – уч марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйку учун шaroитлар яратилган бўлиши керак;

болалар 12 соат бўладиган гуруҳларида – тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйку учун шaroитлар яратилган бўлиши керак.

Мақтабгача таълим ташкилотларининг болалар кечяо кундуз бўладиган гуруҳларида кундузги ва туниги уйку ҳамда беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши учун шaroитлар яратилган бўлиши керак.

Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар узлуксиз ухламайдиган мuddатнинг тавсия этиладиган максимал давомийлиги 5,5–6 соатни ташкил этади.

Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун суткалик уйқунинг тавсия этиладиган умумий давомийлиги мuddати 12–12,5 соатни ташкил этади, шундан 2–2,5 соатни кундузги уйку учун ажратиш тавсия қилинади.

Мақтабгача таълим ташкилотининг иш режими ва болаларнинг унда бўлиши давомийлиги унинг уставида белгиланади.

6-боб. Мақтабгача бўлган ёш даврлари. Болаларни мақтабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш

32-модда. Мақтабгача бўлган ёш ва унинг даврлари

Мақтабгача бўлган ёш бола шахсининг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатдан шаклланишининг асосий давридир.

Мақтабгача бўлган ёш қуйидаги даврларни ўз ичига олади: гўдаклик (туғилганидан бир ёшгача); илк болалик (бир ёшдан уч ёшгача); мақтабгача бўлган кичик ёш (уч ёшдан тўрт ёшгача); мақтабгача бўлган ўртача ёш (тўрт ёшдан беш ёшгача); мақтабгача бўлган катта ёш (беш ёшдан етти ёшгача).

33-модда. Болаларни мақтабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш

Умумий турдаги давлат мақтабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мақтабгача таълим ташкилотларига ва қўшма турдаги давлат мақтабгача таълим ташкилотларидаги ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун мўлжалланган гуруҳларга болаларни қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мақтабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар Мақтабгача таълим бош бошқармаси ҳузуридаги тиббий-руҳий-педагогик комиссия хулосаси асосида, боланинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш ва улардан чиқариш нодавлат мақтабгача таълим ташкилотининг уставига мувофиқ амалга оширилади.

34-модда. Мақтабгача таълим ташкилоти гуруҳларини тўлдириш

Гуруҳ мақтабгача таълим ташкилотининг таркибий бирилигидир.

Мақтабгача таълим ташкилотидаги гуруҳлар ёшга доир тоифалар ёки ёшга доир бўлмаган тоифалар бўйича тўлдирилиши мумкин.

Гуруҳлар ёшга доир тоифалар бўйича тўлдирилганда қуйидаги ёш тоифалари белгиланади: илк ривожланиш гуруҳи (бир ёшдан уч ёшгача); кичик гуруҳ (уч ёшдан тўрт ёшгача); ўрта гуруҳ (тўрт ёшдан беш ёшгача); катта гуруҳ (беш ёшдан олти ёшгача); мақтабга тайёрлов гуруҳи (олти ёшдан етти ёшгача).

Мақтабгача таълим ташкилоти гуруҳларини тўлдириш ва болаларни бир гуруҳдан бошқасига ўтказиш ҳар йили ўқув йили бошлангунига қадар амалга оширилади.

Умумий турдаги давлат мақтабгача таълим ташкилотларида гуруҳлар тегишли равишда қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар гуруҳларида – кўпи билан ўттиз нафар бола;

болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳларда – кўпи билан ўттиз нафар бола;

турли ёшдагилар гуруҳларида – кўпи билан йиғирма беш нафар бола;

болалар кечяо кундуз бўладиган гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола.

Агар давлат мақтабгача таълим ташкилоти жойлашган ерда давлат мақтабгача таълим ташкилотига боришни хоҳловчи мақтабгача бўлган ёшдаги болалар сони йиғирма нафардан кам бўлса ва бу жойда бошқа давлат мақтабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда кам сонли болалардан иборат гуруҳларни ташкил этишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги билан келишувга кўра гуруҳларни уларни тўлдиришнинг энг кўп миқдори оширилган ҳолда ташкил этишга йўл қўйилади.

Нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларида гуруҳларни тўлдириш тартиби мақтабгача таълим ташкилотларини сақлашга, уларнинг тузилишига ва улардаги иш режимини ташкил этишга қадар санитария-гигиена талаблари ҳисобга олинган ҳолда уларнинг муассиси томонидан белгиланади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мақтабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегшинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

кар болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

яқши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

кўзи яқши кўрмайдиган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн саккиз нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

енгил даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола, ўртамиёна ва ўртача даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

аутизмга чалинган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

ақлий ривожланиши кечикаётган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

мураккаб нуқсонлари (икки ва ундан ортиқ нуқсон)и бўлган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола.

Инклюзив гуруҳларга эга мақтабгача таълим ташкилотида гуруҳлар тегшинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

1) уч ёшгача бўлган болалар учун гуруҳларида – кўпи билан йиғирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган икки ёшдан уч ёшгача кўпи билан уч нафар бола;

2) уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда: кўпи билан йиғирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган (яқши кўра олмайдиган ёки яқши эшита олмайдиган ёки таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган) кўпи билан ўн нафар бола;

кўпи билан йиғирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган (кўриш амблиопиясига чалинган, кўзи гийлай ёки нутқида оғир нуқсонлари бўлган ёки аутизмга чалинган) кўпи билан икки нафар бола;

кўпи билан йиғирма беш нафар бола, шу жумладан нутқида оғир нуқсонлари бўлган кўпи билан уч нафар бола;

кўпи билан йиғирма беш нафар бола, шу жумладан руҳий ривожланишида кечикаётган кўпи билан уч нафар бола.

Қўшма турдаги мақтабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегшинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

кулоғи кар болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

кулоғи яқши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

кўзи яқши кўрмайдиган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн саккиз нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн икки нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

аутизмга чалинган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола;

мураккаб нуқсонлари (икки ва ундан ортиқ нуқсон)и бўлган болалар учун гуруҳларда – кўпи билан ўн нафар бола.

35-модда. Мақтабгача таълим ташкилотларида болаларни парваришлаганик, овқатлантирилган ва уларга қараб турганлик учун ҳақ тўлаш

Давлат мақтабгача таълим ташкилотларида болаларни парваришлаганик, овқатлантирганлик ва уларга қараб турганлик учун ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

Нодавлат мақтабгача таълим ташкилоти ўзи кўрсатаётган мақтабгача таълим ва тарбия хизматлари қийматини мустакил равишда белгилайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилаларнинг болаларини парваришлаганик, овқатлантирганлик ва уларга қараб турганлик учун ҳақ тўлаш имтиёзли шартларда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

7-боб. Мақтабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

36-модда. Мақтабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари

Мақтабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари қуйидагилардан иборат: мақтабгача бўлган ёшдаги бола; боланинг қонуний вакиллари; педагог ходимлар.

Мақтабгача таълим ташкилотининг таълим-тарбия жараёни иштирокчилари билан ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

37-модда. Мақтабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ҳуқуқлари

Мақтабгача бўлган ёшдаги болалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида бепул тиббий ёрдам олиш;

соғлиқ учун ҳафсиз бўлган шароитларда таълим олиш ва тарбияланиш;

соғлом турмуш тарзини олиб бориш, болаларни меҳнат қилишга мажбурлашнинг ҳар қандай шакллридан, жисмоний ва руҳий зуравонликдан, ўз шаъни ва қадр-қиммати камситилишидан ҳимояланиш;

ўз соғлиғига зарар етказадиган ахборотдан ҳимояланиш; умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўттиш.

Мақтабгача ёшдаги болалар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

38-модда. Боланинг қонуний вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Боланинг қонуний вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга: боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўз боласи учун мақтабгача таълим шаклини ва таълим олиш тилини таллаш;

мақтабгача таълим ташкилотлари маъмуриятидан мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур шарт-шaroитлар таъминланишини талаб қилиш;

мақтабгача бўлган ёшдаги болани ривожлантириш, унга мақтабгача таълим ва тарбия бериш масалалари юзасидан давлат органлариغا мурожаат қилиш;

болага нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

мақтабгача таълим ташкилотидаги таълим-тарбия жараёни ташкил этилишида иштирок этиш;

давлат мақтабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши таркибини сайлаш ва унга сайланиш.

Боланинг қонуний вакиллари қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Боланинг қонуний вакиллари:

боланинг жисмоний соғлиғи, руҳий ҳолати ҳақида қайғуриши, унинг табиий қобилиятлари, иштиёқлари ва истеъдодларини ривожлантириш учун зарур шарт-шaroитлар яратиши;

боланинг мақтабгача таълим ташкилотларида мақтабгача таълим ва тарбия олишига кўмаклашиши ёки унинг оилада таълим ва тарбия олишини таъминлаши;

мақтабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёни бошқа иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

болаларни Ватанга муҳаббат, меҳнатга, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига, шунингдек умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, аτροφ-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши;

оилада боланинг ҳар томонлама ривожланиши, таълим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шaroитларни таъминлаши шарт.

Боланинг қонуний вакилларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Болаларнинг умумий ўрта таълим муассасасига киргунига қадар умумий ўрта таълимга бир йиллик мажбурий тайёргарлик кўриши учун жавобгарлик уларнинг қонуний вакиллари зиммасига юклатилади.

39-модда. Мақтабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мақтабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари: касбий шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш;

ижодий ташаббус кўрсатиш, таълим ва тарбия усlubиётларини, ўқув қўлланмалари ҳамда таълим воситаларини эркин танлаш;

мақтабгача таълим ташкилотини бошқаришда иштирок этиш;

мақтабгача таълим ташкилотининг таълим дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

педагогик фаолиятидаги муваффақиятлар учун маънавий ва моддий рағбатлантирилиш;

мақтабгача таълим ва тарбия соҳасидаги илмий, инновацион, халқаро фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Мақтабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимлари қонун ҳужжатларига муво



ЖАҲОН БРЕНДИ ДАРАЖАСИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН МАЖМУА

Бундай йирик ва замонавий лойиҳа Бухорода ҳаётга татбиқ қилинмоқда.



СЎНГИ 10 ЙИЛ ИЧИДАГИ ЮКСАК НАТИЖА

Бу йил мамлакатимизда 75 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластери томонидан 700 минг гектардан ортқ ерда ғўза парваришланиб, 2 миллион 65,3 минг тоннадан ортқ пахта ҳосили йиғиштириб олин-

етиш кўзда тутилган "BCST Cluster" корхонаси лойиҳасига катта қизиқиш билдиради. Унинг янгилиги шунда эдики, пахта етиштиришдан тортиб, то ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён тўлиғича қамраб олинганди.



Орадан кўп вақт ўтмай, аниқроғи, 2017 йилнинг 19 майда давлатимиз раҳбарининг "Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластери ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида "Paraglide Limited" (Буюк Британия) ва "Компания Петромаруз" МЧЖ (Россия Федерацияси)нинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициясини жалб этган ҳолда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун тамомила янги бўлган йирик лойиҳага тамал тоши қўйилди.

ди. Эътиборлиси, кластер усули жорий қилинган 40 та туманда охириги 40 йил ичида илк бор қишлоқ хўжалиги техникалари янгилиниб, пахтачиликдаги сўнги 10 йил давомида энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Кўлга киритилаётган шу каби ютуқлар ҳақида гап кетганда, мавзу, албатта, қалдирғоч кластер — "Bukhara Cotton Textile" хорижий корхонаси фаолиятига бориб тақалади.

2017 йилнинг кўклами. Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи чоғида хорижий инвестициялар жалб



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ХОМ АШЁ ЭМАС, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистонда тўқимачилик корхонаси дейилса, хорижликлар кўз ўнгига ип калава ишлаб чиқариш қувватлари гавдаланади. Чунки соҳадаги мавжуд корхоналарнинг аксарияти шунга ихтисослаштирилган. Аммо кейинги пайтда бундай қарашларга барҳам берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, хом ашёни чуқур қайта ишлашга эътибор кучайтирилди. Мақсад — хом ашё эмас, тайёр маҳсулотларни экспорт

қилиш. Бу жараёнда кластерлар катта куч сифатида рақобат майдонига чиқиб келмоқда. Сўз юри-таётганимиз "Bukhara Cotton Textile" фаолияти бунга яққол мисолдир.

Гап шундаки, унинг таркибида ип калава ишлаб чиқариш корхонасидан ташқари, бўяш, мато тўқиш, матога ишлов бериш, тикчилик фабрикалари ҳам фойдаланишга топширилиш арафасида.

Гулшода Жамолова — жондорлик оддий қишлоқ қизи. Коллеж-

ни битиргач, иш излаб, анча сарсон бўлди. Тасодифан Бухоро шаҳрида "Bukhara Cotton Textile" корхонаси очилаётгани ҳақидаги эълонни ўқиб қолдию тўғри шу ерга келди.

— Иш ўрганишим учун атиги икки кун кифоя қилди, — дейди у. — Мана, йиғирувчи сифатида ишлаяпман. Биринчи ойлигимни онажонимга бердим. Ойлага нафим тегаётганидан шунақанги суюндиларки, асти қўяверинг.

Айни пайтда бу ерда Гулшода-

га ўхшаб, 280 нафар хотин-қиз меҳнат қияпти. Бу ҳали бошланғичи. Ҳадемай, тўртта янги қувват ишга туширилгач, яна 1000 нафарга яқин бухоролик йигит-қизларнинг бандлиги таъминланади.

Гап шундаки, 75 миллион АҚШ доллари эвазига "Деним" жинси тайёрлашнинг тўлиқ занжири яратилмоқда. Бунинг учун Германиядан энг сўнги русумдаги йиғирув, АҚШдан бўяш, Жанубий Кореядан ипни чийратиш ускуналари, Италиядан тўқимачи-

лик, Бельгиядан матога пардоз бериш дастгоҳлари, Япониядан бичиштикиш машиналари келтирилди.

— Ҳозирнинг ўзида корхонамизда тайёрланган ип калаваларга Германия, Италия, Япония, Польша, Франция каби давлатлардан кўплаб харидорлар бор, — дейди "Bukhara Cotton Textile" корхонаси бош директори Олим Жумаев. — Лекин биз хом ашё сотиш ниятимиз йўқ. Уни қўшимча қиймат берадиган тайёр маҳсулотга айлантириб, кейин экспорт қиламиз.

ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИНИНГ ЕЛКАСИГА ОФТОБ ТЕГДИ

Кластернинг аграр тармоғи Ромитан туманида жойлашган. Яъни корхона қошида ташкил этилган "BCST Cluster Agrokompleks" масъулияти чекланган жамиятига деҳқончилик қилиш учун 8 минг гектар ер ажратилган.

— Бу экин майдонлари қишлоқлар яхлитлигини сақлаган ҳолда, сув йўллари инobatга олиниб, олтита ҳудудга, 93 та участкага бўлинди, — дейди жамият раҳбари Ботир Ражабов. — Бунда аҳолининг фирмулоҳазалари, таклифлари ҳам инobatга олинди. Ҳар бир участка тасарруфида 110 гектаргача ер бор. Ҳар бир ҳудудда раис, агроном, гидротехник, менежер агроном ва менежер бухгалтер, механик штатлари жорий этилган. Ҳозирги пайтда жами 3,5 минг нафар киши меҳнат қияпти. Бу фермерлик давридаги қараганда 4-5 баравар кўпдир.

Пахтачилик учун бир оз нуқул

келган бу йилги об-ҳаво шароитида ҳам гектаридан 33 центнердан ошириб ҳосил олиниб, ялпи ҳосил 26 минг тоннадан ошди. Натижада зиммадаги мажбурият бажарилди. Терим пуллари ўз вақтида берилиб, илғорлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилгани туфайли ҳосил барвақт саранжомланди.

— Уримнинг 33 йили далада ўтди, — дейди тумандаги Ўбасарой қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийи Бахтиёр Очилов. — Трактор ҳайдадим. Колхозда, фермер хўжалигида ишладим. Яширишининг хожати йўқ, иш ҳақимиз сомон, ғўзапоя билан ҳисоб-китоб қилинарди. Кўлга тузукроқ маош тегмаса, кўнгилга қил ҳам сигмас экан. Уйдаги мол ва бир парча томорқага кўз тикиб яшардик.

Ҳозир пенсиядаман. Икки ўғлим бор. "Ишлаб, уч-тўрт сўм топмасак бўлмайди", деб Россияга кетишганиди. "Уйдан олисда, совуқ ўлкаларда



қандай тирикчилик қилишайтган экан?" деган хавотирда ўтирардим. Айниқса, неварамнинг "Дадамни соғиндим, қачон келади?" деб хараша қилган пайтда чидаб туролмасдим. Юрак-бағрим эзилиб кетарди...

Хайриятки, фарзандларим айни вақтида қайтишди. Иккаласи ҳозир агрокластерда меҳнат қияпти. Олдий ишчи бўлсам, маоши дурустгина. Сизга айтсам, кластер шарофати билан қишлоқ одамларининг елкасига офтоб, кўксига шамол тегди.

"Қумработ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қобил Камоловнинг айтишича, Бахтиёр аканинг фарзандлари сингари ҳудуддаги 115 нафар киши агрокластерда доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, пахта йиғим-терими мавсумида маҳалладаги 700 нафардан ортқ хотин-қизлар қўшимча даромад топишга муваффақ бўлди.

Бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар билан гаплашар эканмиз, улар маоши аввалгидан 3-4 баравар кўп эканлигини, уларга ҳам меҳнат татили берилаётгани, санаторийларда соғлиқларини тиклашлари учун барча шарт-шароит яратиб берилаётганини хурсанд бўлиб айтишди.



ДАЛА ШИЙПОНИ БУНДОҚ БЎЛИБДИ-ДА!

Ромитанга йўлингиз тушса, даланинڭ қоқ ўртасидаги кўркам бинони кўрганда, "Бу нима экан?" деб ҳайрон қолманг. Бу — агрокластернинг дала шийпони.

Икки қаватли шийпонга кирсангиз, ўзингизни кўп улдузли меҳмонхонадагидек ҳис қилишингиз турдан гап. Чунки бу ерда нафақат дам олиш, балки маданий ҳордик чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Замонавий кондиционерлар билан жиҳозланган ётоқхона, ювиниш хоналаридан ташқари, яна мажлис зал, кутубхона, бир пайтда 150 кишини қабул қила оладиган ошхона ишчи-хизматчилар ихтиёрида.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Дала шийпони мевасазавот етиштириш учун алоҳида экин майдонига, чорва моллари, парранда боқиш учун қўшимча иморатларга ҳам эга. Ховлисида ўзбек миллий таомларини тайёрлаш учун тандир ҳамда ўчоқ қурилган.

Очиги, қишлоқ жойда дала меҳнатқашлари учун шаҳардагидан қолдирилган шароит яратиб берилишига қўйил қоласиз. Буларнинг самараси эса ишда кўзга ташланмоқда.

Дарҳақиқат, "BCST Cluster Agrokompleks" иш бошлаган дастлабки йилда ерларни шудгорлаш учун ҳайдов техникасига эҳтиёж сезилди. Шунда корхона мутахассислари фермер хўжаликлари техникасини ижарага олишди. Аммо орадан кўп фурсат ўтмай, айрим тракторчилар техникалари билан жуфтакни ростлаб

қолишди. Ажриқ босган ерларни 20 — 25 эмас, 40 — 42 сантиметр чуқурликда ҳайдаш зарурлиги уларни чинакамига чўчитиб қўйганди. Ушандаёқ кўпчилик "Оғирнинг — устидан, енгилнинг — остидан юриш" даври ўтганини англаб етди.

Ҳозир четдан техника чақиришга ҳожат йўқ. 4,5 миллион евро ва 14,4 миллиард сўм эвазига қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча турдаги техникалар харид қилинди. Уларни бошқарадиган кадрлар тест синовлари асосида саралаб олинди. Малакаси оширилди. Эътиборли жиҳати, замонавий ахборот технологиялари кўмағида ҳар бир техниканинڭ қаердалиги, ишни қандай бажараётгани доимий назорат остида.

— Икки миллион сўмдан зиёд маош оламан, — дейди 6-участка механизатори Зиёдулло Ҳолов. — Икки фарзандим бор. Уларнинг келажигидан кўнглим тўқ, Турмуш ўртоғим, укам ҳам агрокластерда ишлаяпти. Рўзгоримиз бут. Оилани қандай тебратсам экан, деган ташвиш энди йўқ.

"Ромитан пахта тозалаш" корхонаси ҳам кластер ихтиёрига берилган. Текинга эмас, албатта. Мол-мулки бозор нарҳида баҳоланиб, беш йил давомида тўлаш шарти билан сотилди. Таъмирлаш ишлари бажарилиб, 2018 йилдан бошлаб етиштирилган ҳосил шу ернинг ўзида бирламчи қайта ишланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ «ДЕНИМ»И БЎЛАДИ

"Деним" жинси буюмлари баҳоси қиммат бўлса-да, жажон бозоридан энг харидорлиқ ҳисобланади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки улар юқори сифатли матодан тикилади. Табиий бўёқдан фойдаланилади.

Дарвоқе, бўёқ индиго ўсимлигидан олинади. Тасаввур ҳосил қилишингиз учун, айтиш жоизки, охори ўчмайди қадимий осориатикаларимизнинг мовий гўмбазлари кошнинлари айнан индигода бўялган. Ҳазрат Навоий эғнидан қўймайдиган тўн ҳам индиго рангидан жило толган. Афсуски, эътиборсизлик оқибатида бу ўсимлик заминимизда йўқолиб кетганди. Кластер таъсисчиси, инвестор Муртазо Раҳматовнинг саяёҳаракати билан хориждан сўсимлик уруғлари олиб келиниб, Бухоро заминида етиштириш йўлга қўйилди. Энди табиий бўёқ олиш учун чет элга кўз тикишга ҳожат қолмади.

Шу каби мураккабликлар боис бундай лойиҳага қўл уришга инвесторлар чўчишади. Шунданми, "Деним" жинсилари ҳозир ҳам дунёнинг санокли давлатларида ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон улар сафига қўшилиш арафасида турибди.

Айни пайтда тўқимачилик саноатида туб бурилиш ясаши кўтилаётган мажмуада ускуна ва дастгоҳлар монтаж қилиб бўлинди ва тест режимида ишлатилиб, синовдан ўтказилмоқда. Шу аснода хориждан жалб этилган 15 нафар малакали мутахассис маҳаллий ишчи-ходимларга соҳа сир-асрорларини яқиндан ўргатмоқда. Жаҳоннинг 16 та брендида "Деним" жинси матолари етказиб беришда иштирок этган туркиялик мутахассис Жўшун Ренклиюлу — шулардан бири.

— Сифатли маҳсулот тайёрлаш учун ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғини алоҳида аҳамиятга эга, — дейди у. — Ип калава толарларининг бирортаси белгиланган стандартга жавоб бермаса, матога таъсир қилади. Худди шунингдек, бўяш ва мато тўқишда жуда эътиборли бўлиш керак. Озгина ҳафсаласизлик барча саяёҳаракатни чиппака чиқариши мумкин. Лекин ўзбекистонлик ёшлар ўта уквули экан. Ҳаммасини тезда ўзлаштириб олишяпти. Бу Ўзбекистон ўз "Деним" жинси брендида эга бўлишига оз фурсат қолганини аналгатади. Уни ҳали дунёнинг турли бурчақларидан излаб келишига ишончим комил.

Мазкур йирик лойиҳа ташаббускори, иқтисодиёт фанлари доктори Муртазо Раҳматов алоҳида таъкидлаганидек, пахта толасини чуқур қайта ишлаб, рақобатдош жинси ишлаб чиқарадиган компаниялар бармоқ билан санарли даражада кам. Аммо ўзи пахта экиб, ундан жаҳон брендлари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий мажмуа эса дунёда ягона. Унинг манзили Ўзбекистондир!

Саид РАҲМОНОВ, Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган кўламалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинڭ эълон берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинڭ полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Каримова. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси.